

ШАРТНОМА № 7

Урганч шаҳри

“07” феврал 2022 йил

“Янги Урганч” газетаси таҳририяти бундан буён матида “Бажарувчи” деб аталувчи муҳаррири Б.Худайбергенов фаолиятини амалга оширувчи бир томондан ва “Янги Урганч” газетаси бундан буён матида “Буюртмачи” деб аталувчи номидан раҳбари У.Худайбергенов фаолиятини юритувчи, иккинчи томондан, куйидагилар тўғрисида ушбу шартномани туздилар.

1. Шартнома предмети

1.1. “Бажарувчи” томонидан Урганч шаҳар ҳокимлиги муассислигидаги “Янги Урганч” газетасини (ҳар ойда 4 мартаба чоп қилинади) “Буюртмачи” нинг мулки қилиб беради. “Буюртмачи” эса газетани хақи тўлангандан кейин олиш мажбуриятини олади.

| № | Маҳсулот (иш, хизмат) номи | Ўлчов бирлиги | Миқдори | Нархи | Умумий қиймати |
|---|--|---------------|---------|-------|----------------|
| 1 | “Янги Урганч” газетаси рангли сонлари (йиллик) | дона | 1 | 90000 | 90000 |
| | | | | | |
| | | | | | |

2. Шартнома нархи, баҳоси, суммаси

2.1. Ушбу шартнома суммаси ташкил қилади.

3. Тўлов шартлари

3.1. “Буюртмачи” “Бажарувчи” нинг ҳисоб-рақамига шартномада кўрсатилган маҳсулот миқдори суммасининг 100 фоизини олдидан 5 банк иш кунида ўтказишни ўз зиммасига олади.

3.2. Тўлов тури пул ўтказиш йўли билан.

4. Шартноманинг бажарилиш муддати

4.1. Шартноманинг 1.2 бандида кўрсатилган маҳсулот “Буюртмачи” га шартнома имзолангандан кейин, шартномани 4.2. бандида кўрсатилган вақт давомида берилиши шарт.

4.2. Шартноманинг амал қилиш муддати 31 декабр 2022 ўз кучида қолади. Газетани “Буюртмаси” га ҳар ойда 4 мартаба етказиб берилади.

4.3. Газетани ўз вақтида етказиб бериш учун “Матбуот таркатувчи” ҳамда “Ўзбекистон почтаси” ташкилотлари масъул ҳисобланади.

5. Тарафларнинг ҳуқуқлари:

5.1. “Буюртмачи” нинг ҳуқуқлари:

5.1.1. Ушбу шартнома асосида белгиланган маҳсулотларни ўз вақтида ва сифатли маҳсулотни етказишни “Бажарувчи” дан талаб қилишга.

5.1.2. “Бажарувчи” дан шартнома шартларини бажармаслик ёки лозим даражада бажармаслик натижасида етказилган зарарни талаб қилишга ҳақлидир.

5.2. “Бажарувчи” нинг ҳуқуқлари:

5.2.1. Ушбу шартнома асосида белгиланган маҳсулотлар учун олдидан ҳақ тўлашни ва амалдаги шартнома ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳисоб-китобларни амалга оширишни “Бажарувчи” дан талаб қилишга;

5.2.2. “Буюртмачи” дан шартнома шартларини бажармаслик ёки лозим даражада бажармаслик маҳсулотни қабул қилишда асоссиз равишда рад қилиш натижасида етказилган зарарни талаб қилишга ҳақлидир.